

## РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА МАКТАБ ЎҚУВЧИ–ЁШЛАРИДА КРЕАТИВ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Шахло Тошметова

Низомий номидаги ТДПУ “Умумий педагогика” кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10971213>

*Аннотация.* Мазкур мақолада рақамли трансформация шароитида мактаб ўқувчи–ёшларида креатив кўникмаларни ривожлантириш механизми масалалари ёритиб берилган.

*Калим сўзлар:* рақамли трансформация, ўқув маълумотлари, турли методлар, креатив кўникмаларни ривожлантириш.

### MECHANISMS OF DEVELOPMENT OF CREATIVE SKILLS AMONG SCHOOLCHILDREN IN THE CONDITIONS OF DIGITAL TRANSFORMATION

*Abstract.* This article highlights the issues of the mechanisms of development of creative skills among schoolchildren in the conditions of digital transformation.

*Keywords:* digital transformation, educational information, different methods, development of creative skills.

### МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКИХ НАВЫКОВ ШКОЛЬНИКОВ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ТРАНСФОРМАЦИИ

*Аннотация.* В статье освещаются вопросы механизмов развития творческих способностей школьников в условиях цифровой трансформации.

*Ключевые слова:* цифровая трансформация, образовательная информация, разные методы, развитие творческих навыков.

---

Жаҳонда таълим барқарор тараққийтни таъминлайдиган асосий омил сифатида эътироф этилиб, халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг аксарият мамлакатлари томонидан 2030 йилгача белгиланган халқаро таълим концепциясида “билимнинг мустаҳкам пойдевориغا эга бўлиш, ижодий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш, ўқувчиларда ҳамкорлик қобилиятлари ва билишга қизиқишни шакллантириш” долзарб вазифа сифатида қайд этилган. Креатив шахсни шакллантириш бошланғич таълим ёшидан оқ таълимнинг интерфаол технологиялари орқали интеллектни ривожлантиришга имкон берадиган янги фикрлаш маданиятини тарқиб топтиришни тақозо этади. Шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларида креативликни мақсадга йўналтирилган ва тизимли ривожлантириш умумтаълимий компетенцияларни тарқиб топтириш, таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Дунёда болалар иқтидори, креативлик, креатив қобилиятларни ривожлантириш, бошланғич синф ўқувчилари креативлигининг таркибий асосларини белгилаш, мотивацион, ижтимоий-маданий ёндашувларнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бошланғич таълимга бундай ёндашув шахсга йўналтирилган таълим стратегияси талабларига мос равишда ҳаётий кўникмаларни шакллантириш, ижодий қобилиятни ривожлантиришнинг педагогик-психологик ва гендер хусусиятларини аниқлаштириш алоҳида долзарблик касб этишини кўрсатади.

Мамлакатимизда умумтаълим сифатини ошириш, ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишдаги кенг қамровли ислохотлар натижасида бошланғич таълимда сифатли таълим хизматлари самарадорлигини ошириш, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув шароитида ўқувчиларда ижтимоий интеллектни ривожлантиришни таъминловчи имкониятлар салмоғи кенгайди. Шу билан бир қаторда бошланғич таълим жараёнида креативликни ривожлантиришнинг механизмини такомиллаштирган ҳолда амалиётга жорий этиш зарурати кўзга ташланмоқда. Бу эса бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришнинг компонентлари ва омилларини аниқлаштириш, креатив фаолликни таъминлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришни тақозо этади.

Креативлик (лотинча “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради.

И.П.Никитинанинг фикрича, санъат фалсафасида тўғридан-тўғри “креативлик” тушунчаси қўлланилмайди, бироқ “инсон мунтазам равишда ўзининг шахсий “чегараси”дан четга чиқишга ҳаракат қилади: ўзининг имкониятлари, ҳаёти ва ўз дунёсидан”. Трансцендентликда инсоннинг ўз-ўзини ўзгартиришга интилиши, ҳиссиётлари, ижодкорлиги ва креативлиги асос бўлиб хизмат қилади.

XX асрнинг 50-йилларида пайдо бўлган инсонпарварлик психологиясининг мақсади сифатида айнан ўз-ўзини актуаллаштириш жараёнида ўзининг имкониятларини намоён этишга қодир ижодкор шахсни ўрганиш белгиланган эди. Инсонпарварлик психологияси учун хос инсон табиатига ишонч билдириш унинг креативлиги табиати ва ролини тушунишга ҳам тааллуқлидир. Мазкур йўналишнинг асоси тарафдорлари – Шарлотта

Бюлер, Абрахам Маслоу, Ролло Мей, Карл Роджерслардир.

Санъат психологияси билан боғлиқликда Иржи Кулканинг қуйидаги нуқтаи назари қизиқиш уйғотади: “креативлик психологик жиҳатдан соғлом ва мақбул тарзда ўз-ўзини намоён этувчи шахс сифатидир” .

Хориж олимларидан П.Торренс фикрича, креативлик: муаммога ёки илмий фаразларни илгари суриш; фаразни текшириш ва ўзгартириш; қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш; муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршилигига нисбатан таъсирчанликни ифодалайди.

И.П.Ильин томонидан билдирилган қуйидаги фикрни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим: “XX асрнинг 60-йилларида креативлик тушунчасига 60 та таъриф берилган бўлиб, уларни шартли равишда 6 та турга ажратиш мумкин”:

- 1) мавжуд элементлардан янги гештальтлар ҳосил қилиш мумкинлигига доир гештальт назарияси (М.Вертгеймер, Келлер);
- 2) яратилган маҳсулотнинг янгилигини баҳолашга доир инновацион (С.Медник);
- 3) инсоннинг ўзини ифода этиши сифатида шаклланадиган эстетик (масалан: А. Маслоу, Э Фромм);
- 4) муносабатлар психологияси орқали креативлик намоён бўладиган психоаналитик (З. Фрейд, К. Юнг);
- 5) муаммоли – креативлик вазифаларни ҳал этиш жараёни (масалан, Гилфорд креативликни дивергент фикрлаш сифатида эътироф этган;
- 6) ноаниқлик ёки ноёблик” .

М.А.Холодная тадқиқотларида креативлик “эркин фаолият шароитида инсоннинг продуктив фикрлаши ва кўплаб миқдордаги қизиқарли ғояларни илгари суришга тайёрлиги, яъни дивергент фикрлаши” сифатида талқин қилинган .

В.Н.Козленко ўзининг тадқиқотларида креативликни “ҳар бир инсонга туғилганидан инъом этилган ва рефлексия шаклида (“бунинг учун нима қилиш керак?”) намоён бўладиган эҳтиёж” сифатида талқин қилган .

В.Г.Каменская ва И.Е.Мельникова креативликни янги материаллар ва идеал маҳсулотлар яратишга қодир ижодий иқтидорли инсоннинг шахсий ўзига хослиги сифатида изоҳлашган.

Д.Б.Богоявленская креативликни “ақлий фаолиятнинг интенсивлигига синоним сифатида интеллектуал фаоллик” деб фикр билдирган.

Креативликнинг моҳиятини аниқлаш ва баён этишга доир илмий изланишлар жараёнида ижодкорлик назарияси ёки ижодкор шахсни ривожлантириш нафақат хорижлик,

балки республикамиз олимларида ҳам қизиқиш уйғотганлигига гувоҳ бўлдик.

Креативликка доир илмий изланишлар таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, кўплаб ишларда креативлик деганда ноёб ҳодиса сифатида тушунилади, замонавий илмий ишларда креативликни индивиднинг интеллектуал ва шахсий хусусиятлари мажмуи ҳам жараён сифатида талқин қилиш тенденцияси кузатилади.

Е.П.Ильиннинг ижодкорлик, креативлик ва иқтидорлилик психологиясига доир тадқиқотлари натижалари асос қилиб олинди. Жумладан, бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантиришга доир қуйидаги омилларни қайд этиб ўтиш имконини берди:

1) ижод кишилари билан мулоқотга киришиш ва катталарнинг фаол нуқтаи назари (ўқитувчининг ўзи худди шундай инсон бўлиши керак);

2) болага ўз ҳиссиётларини ифода этишга имкон бериш (боланинг эмоционал кечинмалари қадрланиши лозим);

3) қизиқишига кўра машғулотлар орқали ижодкорликка йўналтириш (санаёт асарларини саҳналаштириш жараёнида ролларни ижро этишда боланинг ижодий фаолият турини танлаш ҳуқуқи);

4) таълим жараёнида тадқиқотчилик фаолиятига ижобий муносабати (дарсликдаги ўқув ахборотлари билан мустақил ишлаш имконияти) .

Шунингдек, Т.А.Барышева ва Ю.А.Жигаловларнинг креативликни шакллантириш соҳасидаги тадқиқотлари натижалари асосида бошланғич синф ўқувчиларида креативликни ривожлантириш жараёнининг қуйидаги босқичлари аниқлаштирилди:

1) ўқувчиларни ижодий фаолият асосларига тайёрлаш (эмоционал ва сенсор тажрибани тўплаш);

2) креатив хулқ-атвор услубини шакллантириш (ўз ичига “имитация” – креатив намуналарга тақлид қилиш, “импликация” – ўзлаштирилган усулларнинг аҳамиятини англаш ва тажрибада синаб кўриш, “трансформация” – шахсий аҳамиятга эга шароитда ижодий тажрибани қўллаш);

3) креатив хулқ-атворни такомиллаштириш (ижодий фаолиятни индивидуаллаштириш, яъни “уйғунлаштириш”) .

Педагогикада креативлик деганда инсоннинг “ижодга қобилиятлилиги” тушунилади ва интеллектнинг ривожланиш даражаси билан алоқадорликда таҳлил қилинади. Жумладан, А.Арипджанова олий таълим муассасалари педагоглари таркибининг креатив салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқликда креативлик тушунчасининг моҳиятини қуйидаги тарзда баён этган: “мақбул имкониятларни сафарбар этиш орқали, шахсни муаммони қабул қилиш, янги, ноодатий маҳсулни яратиш қобилияти”. Г.Ибрагимованинг фикрича,

креативлик – шахсининг яратувчанлик, ижодкорлик хислатларлари билан боғлиқ кўникмалар мажмуи сифатида намоён бўлади. Креативлик ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезгирлик, интуиция, натижаларни олдиндан кўра билиш, фантазия, тадқиқотчилик ва рефлексияни қамраб олади.

Ўқувчиларда креативликни ривожлантириш назаридан ижод – болаларнинг хоҳиш-истаклари, эҳтиёжлари ҳамда уларга таълим-тарбия бериш мақсад ва вазифаларига мос қулай таълим муҳитини ташкил этишга доир яратувчанлик ва изланишли-тадқиқотчиликка доир фаолиятдир.

Ижодкорлик – индивиднинг ижодкорлик қобилияти – ноодатий фикрларни ўйлаб топиш, анъанавий фикрлаш доирасидан четлашиш, муаммоли масалаларни тезда хал этиш қобилиятидир. У янги ғояларни яратишга доимо тайёрлик билан тавсифланади ва қобилият тузилмаси компоненти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида ижодкорлик тушунчасига ижодкор иши, ижодкорга хос фаолият; яратувчилик тарзида қисқа таъриф берилган.

Педагогик энциклопедик луғатда “Ижодий фаолият сифат жиҳатдан янгини яратишга доир инсон ёки жамоавий фаолият шакли. Ижодий фаолиятнинг зарурий шартли фикрнинг эгилувчанлиги, танқидийлик, идрок этишнинг яхлитлигида акс этади”, деб изоҳ берилган. Мазкур луғатда “ижод” ва “ижодкорлик” тушунчаларига алоҳида таъриф берилмаган.

Фалсафий, педагогик-психологик адабиётларда “ижодкорлик” оригинал, такрорланмайдиган, ижтимоий-тарихий ноёблик билан ажралиб турувчи фаолият тури сифатида эътироф этилади.

Креатив педагогика ёки креативликка асосланган педагогика доирасида ўқув материаллари ўзлаштириш объекти эмас, қўшимча материалларда баён этилган эвристик метод ва усуллар билан танишмасдан имкони мавжуд бўлмаган эвристик мақсадга эришиш воситаси сифатида тушунилади.

Мазкур ёндашув доирасида ўқитиш жараёнида фикрлашни фаоллаштиришнинг қуйидаги метод ва воситалари ишлаб чиқилган: “ақлий хужум” (муаммони ечимини топиш учун кўплаб ғояларни олға суриш) методи, инверсия методи (қарама-қарши қоидалардан фойдаланиш), эмпатия (ижодий образда “яшаш”) методи, агглютинация (раелликда ўзаро туташмайдиган сифат ва хусусиятларни бирлаштириш), рамзий жиҳатини кўра олиш (нарсасиз буюм ёки ҳодисанинг моҳиятини билиш учун тимсолларни қўллаш) методи, мазмунни аниқлаш (объект ғоясини кўйишга интилиш) методи.

Одатда креативлик болаларнинг фаолиятида тез-тез кўзга ташлансада, бироқ, бу

ҳолат болаларнинг келгусида ижодий ютуқларни қўлга киритишларини кафолатламайди. Фақатгина улар томонидан у ёки бу ижодий кўникма, малакаларни ўзлаштиришлари зарур деган эҳтимолни ифодалайди.

Болаларда креативликни ривожлантиришда қуйидаги шартларга эътибор қаратиш зарур:

- 1) улар томонидан кўп саволлар берилишини рағбатлантириш ва бу одатни қўллаб-қувватлаш;
- 2) болаларнинг мустақиллигини рағбатлантириш ва уларда жавобгарликни кучайтириш;
- 3) болалар томонидан мустақил фаолиятни ташкил этилиши учун имконият яратиш;
- 4) болаларнинг қизиқишларига эътибор қаратиш.

Қуйидаги омиллар шахсда креативликни ривожлантиришга тўсқинлик қилади:

- 1) ўзини таваккалдан олиб қочиш;
- 2) фикрлаш ва хатти-ҳаракатларда қўполликка йўл қўйиш;
- 3) шахс фантазияси ва тасаввурининг юқори баҳоланмаслиги;
- 4) бошқаларга тобе бўлиш;
- 5) ҳар қандай ҳолатда ҳам фақат ютуқни ўйлаш.

Психологияда П.Торренс томонидан шахс креативлигини аниқловчи тест ишлаб чиқилган. П.Торренснинг фикрича, шахс креативлиги ўзида қуйидаги белгиларни намоён қилади:

- 1) саволлар, камчиликларга ёки бир-бирига зид маълумотларга эътиборсиз бўлмаслик;
- 2) муаммоларни аниқлаш учун ҳаракат қилиш, илгари сурилган тахминлар асосида уларнинг ечимини топишга интилиш[96].

Креативлик: шахснинг анъанавий фикрлашдан фарқли равишда маълум хатти-ҳаракат, фаолият ёки жараёни самарадорлиги таъминлашга хизмат қилувчи янги ғояларни яратиш, шунингдек, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал қилишга бўлган тайёргарлигини тавсифловчи қобилияти саналади.

Шахснинг креативлик потенциали унинг умумий хусусияти сифатида акс этади. У ижодий фаолиятнинг дастлабки шарти ва натижаси саналади. Мазкур сифат шахснинг ўз-ўзини намоён қилиш лаёқатига эгалликни ва тайёрликни ифодалайди. Қолаверса, креатив потенциал негизида ҳар бир шахснинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қуввати яхлит ҳолда намоён бўлади.

Креатив потенциал билиш жараёнига йўналтирилган ижодкорлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, анъанавий тафаккур юритишдан фарқли равишда тафаккурнинг тезкорлиги ва эгилувчанлигида, янги ғояларни яратиш, қобилияти, шунингдек, шахс характерида хос жиҳатлар – бир қолипда фикрламасликда, ўзига хосликда, ташаббускорликда, ноаниқликка тоқат қилишда, заковатли бўлишда акс этади.

Одатда ўқувчининг креативлик қобилиятига эга бўлиши муайян муаммоларни ҳал қилишга интилиши, кичик илмий-тадқиқотларини амалга ошириши ва бу жараёна қизиқиш доираси бир хил бўлган тенгдошлар билан ўзаро ижодий ҳамкорликка эришиши муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчилар ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Уларнинг ижодкорлик қобилиятлари маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устиларида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай шахсда бўлгани каби бошланғич синф ўқувчиларининг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун таълимнинг худди шу даврида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда ўқувчиларнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтиришлари ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олишлари муҳим аҳамиятга эга. Шахс ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Креативлик ўқув-билиш ёки афзал кўриш сифатида таҳлил этилиши ҳам мумкин: баъзи ўқувчилар танқидий, таҳлилий ёки баҳоловчи фикрлашни, бошқалар эса фактларга асосланган билимларга эга бўлишни афзал кўрадилар, яна бошқалари эса табиатан креатив ва танқидий фикрлашга мойил бўлади. Шунга асосланган ҳолда ўқитувчилар ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, қобилияти ва мойиллиги ва қолаверса уларнинг ўқув-билиш услубидан келиб чиқиб дарсларни режалаштирсалар мақсадга мувофиқ ҳисобланади (Starko A.J., 2005) . Ўқитувчи ўқувчиларга яқка тартибда ёки гуруҳларда ишлаш орқали креатив, танқидий фикрлашни талаб қилувчи вазифаларни бериши мумкин. Бунда ўқувчилар ҳар икки фикрлаш тарзидан бирини танлаш имкониятига эга.

Креатив тафаккурга эга ўқувчилар:

- Бошқа ўқувчиларнинг хаёлларига келмаган ғояларни илгари суради.
- Ўзларини намоён этишнинг ўзига хос услубини танлайди.
- Баъзан мавзуга алоқаси бўлмаган ёки “қитмир” саволларни беради.
- Ечими очиқ қолган вазифалардан завқланади.
- Далиллардан кўра ғояларни муҳокама қилишни афзал кўради.

- Муаммо ечимини топишда ноанъанавий ёндашувни танлайди.

Шундай қилиб, креатив тафаккур инсониятга хос тафаккурнинг турларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида воқеа, ҳодисаларнинг моҳияти ўзгача, ўзига хос кўриниш ва мазмунда талқин этилади. Креатив тафаккурга эга бўлиш орқали шахс турли мураккаб вазиятларда муаммони осон ҳал қилиш, ундан чиқа билишни уддалайди. Қолаверса, креатив тафаккур ижтимоий субъект томонидан мавжуд билимларни ниҳоятда осон, ҳеч бир қийинчиликларсиз ўзлаштира олиш имконини беради.

Креатив фаолият бошланғич синф ўқувчиларини ҳар томонлама уйғун ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида уларнинг ахлоқий, ақлий ва жисмоний жиҳатдан тараққий этишига хизмат қилади. Айнан ижодий фаолиятга самарали тайёрланган ўқувчилар иқтидорлиликнинг қуйидаги мезонларига жавоб беради: ақлий ривожланишнинг жадаллиги: билишга қизиқиш, кузатувчанлик, нутқ, онглилик, ностандарт фикрлаш; қизиқиш, интеллект, эмоцияларнинг эрта ихтисослашуви: математика, мусиқа, тасвирий фаолият, инженеринг, чет тилларни ўрганиш; билиш фаоллиги, ташаббускорлик, ташкилотчилик қобилияти, қатъийлик, қўйилган мақсадга эришишга интилиш; амалий фаолиятга тайёрлик ва қобилиятлилик.

Креатив жараён ўзида иккита муҳим белгини акс эттиради. Улардан бири – интуиция (зеҳн, фаҳм-фаросат), иккинчиси – интуитив фикрлаш жараёнида қўлга киритirilган натижани расмийлаштиришдир. Фақат унинг самараси анланган ва интуитив ва мантиқий фикрлаш бирлиги сифатида мантиқий фикрлаш воситасида ишлаб чиқилганлик билан тавсифланади. Ижодий жараён турли даражада инсоннинг ижтимоий ташаббускорлигининг барча кўринишлари, асосан, унинг касбий фаолияти билан боғлиқ шаклларида мутлақ ўз аксини топади.

Креатив фаолият – бу субъект фаолиятининг ўз меҳнатига (ишдан қониқиш, уни бажариш жараёнида янгиликка интилиш, муаммо ечимини топишда ижодий мотивация) муносабати ва масалани ижодий ҳал этиш (аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни ҳамда фаолият усуллари янги ҳолатга мустақил кўчириш, муаммоли, маълум объектни янги функциясини кўра билиш) жараёнидир.

Креатив фаолият ўзида қуйидаги муҳим жиҳатларни акс эттиради: бир фан ва фанлар доирасида эгалланган билим ва кўникмаларни янги фаолият тажрибасига мустақил татбиқ этиш; қутилмаган вазиятдаги янги муаммони кўра билиш; объект тузилишини кўра билиш; муаммони ҳал этишда муқобилликни ҳисобга олиш; янги муаммоларнинг ечимини излаб топишни ижодий фаолиятнинг аввалдан маълум бўлган усуллари билан уйғунлаштириш; муаммоларни ҳал этишда бутунлай янгича ёндашувни қарор топтириш.

Креатив фаолият жараёни бу мустақил ўқув-билиш фаолиятининг энг юқори

даражада намоён бўлиши бўлиб, у ўзгарувчан тавсифга эга билим, кўникма ва муайян ижодий фаолият тажрибаси ҳамда билишнинг ижобий мотивлари шароитида юзага келиши ҳамда шу асосда ўқувчиларнинг ижодий фаолият тажрибаларини эгаллашини кўрсатди. Бу эса, бошланғич синф ўқувчиларида ижодий билиш фаоллигини ривожлантиришни тақозо этади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг креатив фаоллиги ўзида янги билимларни ўзлаштиришга барқарор мотивлар ва билиш жараёнига ижобий эмоционал йўналганликнинг қарор топганлиги, ўқув вазибаларини ҳал этишда одатий ўқув ҳаракати усулларини бартараф этишга интилиш, муаммо ечимини топишнинг ностандарт метод ва усулларини излаш, ўқув-билиш фаолиятидаги қатъийлик, ижодий билиш фаолиятининг натижавийлиги билан тавсифланувчи шахс хусусиятини ўзида акс эттиради.

Ижодий фаолиятда муаммоли вазиятлар яратиш бу муаммоли вазиятларни ечишга ўқувчиларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бошланғич синфларда шахсни ривожлантиришга йўналтирилган таълим қуйидаги мақсадларни назарда тутаяди:

1. Мактаб ўқувчилари шахсини ривожлантириш, унинг қобилияти, ўқишга қизиқиши, ҳоҳиш ва истагини шакллантириши;
  2. Ахлоқий ва эстетик ҳиссиётини тарбиялаш, ўзи ва ўз атрофини ўраб олган оламга ҳиссий муносабатни шакллантириш.
  3. Билимлар тизимини, малака ва кўникмалар, фаолиятнинг турли шаклларини эгаллаб олиш.
  4. Болаларнинг жисмоний ва психик саломатлигини муҳофаза қилиш.
  5. Бола шахсининг индивидуаллигини ҳимоя қилиш.
- Зеро, таълим фаол, ижодий, маҳсулдор, интеллектуал фаолиятни ўзаро алоқадорликда амалга оширади. Ижодкорлик бошланғич таълимда ўқитувчи фаолиятининг асосий тури бўлиши зарур.

Муаммоли вазиятлар ўқитишнинг ҳар қандай босқичида таълим мавзусини тушунтириш, уни мустаҳкамлаш, натижаларини назорат қилишда ҳам яратилиши мумкин.

Ўқитувчи муаммоли вазиятни яратар экан, ўқувчиларни унинг ечимини йўлашга йўналтиради. Шундай қилиб, бола таълимнинг субъектига айланади ва унда янги билимлар шаклланади, у ҳаракат қилишнинг янги усулларини эгаллайди.

Педагогик ўйинлар айниқса, ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди. Айнан шундай ўйинлар воситасида катталар ва кичиклар ўртасида

мулоқот ўрнатилди. Бу мулоқотлар шахсий ёнлашув асосида қурилиши керак. Ўқитувчи болани фақат ўқувчи деб эмас, балки бир бутун шахс, ўзига хос инсон деб ёндашуви лозим. Ўйинларда боланинг шахсий сифатлари бойиб, ўқувчилар ижодий фаолиятларини ташкил этишда муҳим ўрин тутади ҳамда ўқувчиларнинг ҳулкидаги ижобий қирралар ривожланади, ижобий тасаввур машқлари воситасида кузатувчанлик, хотира, диққатни кучайтириш имкони туғилади, психологик тўсиқлар бартараф этилади.

Бошланғич синфларда мавзуга интеграцияли ёндашувни бир дарс эмас, балки мазмуни, методик ва ташкилий томондан ўқув фанининг маълум бўлими олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ижодий фаолиятни шакллантиришда ўқувчиларда ақлий қобилиятнинг ривожланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Ақлий қобилиятни ривожлантиришда бошланғич таълим муҳим ўрин тутади, чунки худди шу даврда шахс унинг қизиқишлари, мойилликлари шаклланиши учун пойдевор яратила бошланади. Жамият учун мустақил танқидий фикрлай оладиган ҳаракат қила оладиган ижодкор шахсларга талаб ҳозирги кунда ўқувчилар ижодий қобилиятини ривожлантириш педагогиканинг долзарб муаммоси бўлиб турибди.

Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ва ҳараклантирувчи кучи инсон унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини руёбга чиқаришини шароитларини таъсирчан механизмларини яратишдан иборатдир.

Бу муҳим масалани ҳал этишда шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг узвий алоқаси шахс ривожланишининг яхлит тизимини яратишни назарда тутади.

Масаланинг бундай қўйилиши таълим-тарбия мақсадлари, мазмуни, услублари, шунингдек воситаларини аниқлашда ҳал қилувчи мезон. Бундай ёндашув таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатларининг ўзгаришига-ўқувчиларнинг фаоллиги ортиб ва мустақиллигининг кучайишига, таълим жараёнининг такомиллашиб боришини тақозо этади. Бунда ўқувчи таълим-тарбия объекти сифатида ўз-ўзини кашф этишнинг субъекти ҳам бўлиб майдонга чиқади.

Бундай ёндашув мактаб таълимини бола шахси, унинг ички дунёсига - ҳали очилмаган қобилиятлари ва имкониятларига эркинлик бериб, таълим-тарбиянинг ахлоқий негизларини шакллантиришга йўналтиради. Мактаб таълимининг мақсади ҳам ички куч ва имкониятларини уйғотиш, шахснинг эркин ижодий ривожланиши учун улардан тўғри, унумли фойдаланиш кабилардан иборатдир.

Ўқувчи ижодий салоҳиятини ташкил этишга йўналтирилган педагогик технологияларнинг асосий мақсади ҳам умуман олганда ижодий фаолиятни ривожлантиради.

Мақсадга йўналганлик қуйидаги аниқ вазифаларни ўз олдига қўяди: ўқувчининг ўз олдига қўйган мақсадини англаб олганлиги, ижодий фаолиятда ижобий рағбат ва ижодкорликка эҳтиёжни ҳис этиши, билимлар тизимига эга бўлиши, ижодий фаолиятни ташкил этиш, малака ва кўникмаларга эришилган натижаларни баҳолашга доир билим ва тасаввурга эга бўлиши.

Мазмунига кўра ижодий салоҳиятни ривожлантириш эса билимга оид амалий ва ижодий компонентларни ўз ичига олади.

Креативликнинг технологик жараёни эса тушунтириш индуктив дидуктив, репродуктив, муаммоли, қисман изланувчан ва изланувчан каби методлар асосида кечади. Мазкур жараён табиатга музей ва кўрғазмаларга экскурсиялар, вдеоқўрсатувлардан фойдаланиш, учрашувлар, мавзули кечалар, индивидуал ижодий лойиҳалар, тўгараклар, клублар, практикумлар, турли мавзуларда суҳбатлар ўқувчиларнинг ижодий кўрғазмалари танловлар каби анъанавий ва ноанъанавий шакллардан фойдаланилади.

Хулоса қилиб айтганда, таълимда бирламчи вазифа кейинги таълим жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлган бошланғич умумий таълим малака ва кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ва шахслик хислатлари ва қобилиятлари ривожлантириш уларнинг турли ўқув-билув, амалий, ижтимоий фаолиятлари тажрибасига таянилади. Шунинг учун ҳам таълим стандартларида таълимнинг фаол, амалиётдаги мазмуни, фаолиятнинг аниқ воситаларига реал ҳаётий вазиятларда қўлланиладиган билим, малака ва кўникмаларга алоҳида эътибор берилган.

Бошланғич таълимнинг ўзига хос хусусияти ҳам болаларнинг мактабга тайёргарлик даражаси ижтимоий тажрибаси психофизиологик ривожланиши бир хил эмаслиги билан фаркланишидадир. Шунга кўра бошланғич таълимда ҳар бир ўқувчининг ижодий фаолиятини ва унинг ўзига хос индивидуаллигини намоён этишга шароит яратишдан иборатдир.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2006. – 186 б.
4. Арипджанова А.Р. Таълимни ахборотлаштириш шароитида олий таълим муассасалари педагогларининг креатив салоҳиятини ривожлантириш: Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). ... дисс. Автореф. – Т., 2017. – 50 б.
5. Дилова Н.Ф. Бошланғич таълимда ўзаро ҳамкорлик муҳитини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD). ... дисс. – Нукус, 2018. – 152 с.
6. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дисс. – Т., 2007. – 315 б.
7. Нажмиддинова Г.Н. Бошланғич синф ўқувчилари ўқув-билув фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари. 13.00.01. Пед. фан. номз. дисс... - Т.: 2006.- 139 б.
8. Ходжаев Б.Х. Умумтаълим мактаби ўқувчиларида тарихий тафаккурни модернизациялашган дидактик таъминот воситасида ривожлантириш: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. –Тошкент, 2016. – 314 б.
9. Якубжанова Д.Б. Бўлажак дефектологларда касбий ижодкорликни ривожлантириш: педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD). ... дисс. – Тошкент, 2017. – 156 с.
10. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2001. – 704 б.